

ТУРСУНОВ Иброҳим Нуралиевич,
Тошкент Амалий фанлар университети
Тиллар кафедраси доценти,
филология фанлари номзоди
Sherzod_@bk.ru.

ТЕРМА ВА ДОСТОНЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ ТАДҚИҚИГА ДОИР

ОБ ИЗУЧЕНИИ ВЗАИМОСВЯЗИ ТЕРМА И ЭПОСОВ

ON THE STUDY OF THE RELATIONSHIP BETWEEN TERMA AND EPICS

Аннотация: Ўзбек халқининг оғзаки ижоди асрлар бўйи умуминсоний қадриятларга ҳисса қўшиб келган миллий маънавиятимизнинг таркибий қисми ҳамдир. Бунда энг мўъжаз мақолнинг ҳам, йирик ҳажмли достонлар ва термаларнинг ҳам ўз ўрни, ўз аҳамияти бор.

Ушбу мақолада достон ва термалар, уларнинг ижрочи типлари ҳақидаги қарашлар, ўзбек халқ термаларининг ўрганилиш тарихи, тарихий асослари, яъни поэтикаси ўрганилган.

Калит сўзлар: терм ва достон, жанр, фольклор, поэтика, устоз-шогирдлик анъаналари, бахшилар, термачилар, фотиҳа, илоҳийлик, ижрочи ва ижодкорлар.

Аннотация: Устное творчество узбекского народа – это составляющая нашей национальной духовности, которая веками способствовала общечеловеческим ценностям. В этом свое место и значение имеют самые малые пословицы, а так же крупные дастаны и терма.

В данной статье изучаются взгляды на эпосы (дастан) и терма, их исполнительские виды, история изучения узбекских народных терма исторические основы, то есть поэтика поэтика жанра.

Ключевые слова: терма и дастан, жанр, фольклор, поэтика, традиции мастерства, сказители, терма, благословение, божество, исполнители и творцы.

Annotation: Oral creativity of the Uzbek people is a component of our national spirituality, which for centuries has contributed to universal human values. In this, the smallest proverbs, as well as large dastans and termas, have their place and significance.

This article examines the views on epics (dastan) and terma, their performing types, the history of the study of Uzbek folk terma, historical foundations, that is, the poetics of the poetics of the genre.

Keywords: terma and dastan, genre, folklore, poetics, craftsmanship traditions, storytellers, terma, blessing, deity, performers and creators.

КИРИШ

Ҳар бир халқнинг оғзаки ижоди унинг кўп асрлик тарихи, этник хусусиятлари, дунёқарashi, урф-одатлари, ижтимоий- маиший турмушини поэтик ифодаловчи тарихий-бадий-эстетик ҳодисадир.

Термаларнинг жанрий, ғоявий-тематик хусусиятлари ҳақида М.Алавия, Т.Мирзаев, Б.Саримсоқов, С.Рўзимбоевларнинг ҳам қимматли кузатишлари мавжуд. Бундан ташқари, турли адабиётшунослик луғатларида ҳам унга таърифлар берилган. Ўзбек халқ термаларини монографик тадқиқ қилишга биринчи марта А.Мусакулов, А.Турсункулов ва И.Турсуновлар қўл урдилад [13]. Бироқ ана шу ишлардан сўнг ўзбек фольклоршунослигида достончилик, алоҳида олинган достонлар генезиси, вариантлари ва бадииятини ўрганиш изчил давом этаётган бўлса-да, профессор Т.Мирзаевнинг кейинги монографиясидаги кузатишлардан ташқари, [4] бахшилар репертуарининг таркибий қисми бўлган терма жанрини илмий тадқиқ қилиш ХХI асрнинг бошларидан сўнг, деярли, тўхтаб қолди. Турли фольклор тўпламларида кўплаб терма намуналари чоп этилиб, архивларда жуда бой термалар хазинаси мавжуд бўлса-да, ҳозиргача бирорта алоҳида термалар тўплами нашр этилмаган.

Халқ термалари ҳақида фольклоршунослигимизда илк бор ва ҳозиргача айтилган мулоҳазалар орасида вақт жиҳатидан ярим асрдан кўпроқ муддат ўтган бўлса-да, уларда маълум бир илмий изчиллик, бир-бирини давом эттириш ва ривожлантириш, кейинги тадқиқотлар учун назарий асос мавжудлигини кўрамиз. Жумладан, термалар ҳақида жиддий фикр айтган олимларнинг барчаси уларнинг профессионал халқ ижодкорлари репертуарида мавжуд бўлишини, достончилар репертуари эса достон ва терма билан чекланганини қайд этадилар.

Сўз санъатининг оғзаки ва ёзма шакллари, унинг намуналарини яратувчилари аталиши жиҳатидан ҳам фарқ қилади. Жумладан, ёзма адабиёт ижодкорларига нисбатан ишлатиладиган “ғазалнавис”, “ёзувчи”, “хикоянавис”, “драматург”, “ҳажвчи” атамаларининг бирортасини ҳам фольклор ижодкорларига нисбатан қўллаб бўлмайди. Ҳозирда адабиётнинг ҳар икки шакли ижодкорларига нисбатан қўлланилаётган “шоир” ёки “достончи” атамалари ҳам ўз моҳиятларига кўра жиддий фарқланадилар. Шунга кўра халқ термаларининг генезиси бевосита достон ва терма ижодкорлари ва ижрочиларининг тарихий типлари фаолияти билан боғ-лиқдир.

Термаларни ўрганиш тарихини тадқиқ қилиш халқ термалари достонлар, достончилик, термачилик билан жуда кўп жиҳатдан узвий боғлиқлиги, образли қилиб айтганда, жуда яқин қариндошлигига шубҳа қолдирмайди. Бу яқинликни икки жиҳатдан, яъни достончилик ҳамда термачиликнинг тарихий асослари ва замонавий кўринишлари жиҳатидан тадқиқ қилиш мумкин.

Биз ушбу мақолада термалар ва достончилик муносабатлари, халқ бахшиларининг ижрочилик типлари ҳақида маълум бир илмий қарашларни ҳавола этамиз.

АСОСИЙ ҚИСМ

Кузатишларимиз шуни кўрсатадики, термалар билан қўшиқларнинг бошқа турларини фарқламаслик, асосан, Ўзбекистоннинг достончилик деярли сўниб бўлган ҳудудлари учун хос, эпик анъана маълум даражада давом этаётган регионларда эса **терма** деганда профессионал халқ ижодкорлари репертуаридаги бир жанр намуналари тушунилади.

Биз термаларини монографик йўналишда маҳсус ўрганмаган бўлса-да, биринчи марта жанр сифатида баҳолаган олим ўзбек фольклоршунослигининг асосчиси Ҳ.Зарифов, деб ҳисоблаймиз ва жанрни ўрганиш тарихи ҳам унинг фаолияти билан боғлиқ, деб биламиз. Олим дастлаб термаларни алоҳида бир жанр деб илмий таҳмин қилади. У ўзи тузиб, 1935 йилда нашр этган фольклор матнларидаги бахшилар ва халфалар ижодидан намуналарга

ёзган изоҳида шундай дейди: “*Ёлғиз бахши томонидан айтилатургон ва йигирма-ўттиз, баъзан қирқ-эллик ва ундан ҳам ортиқ тизмадан иборат бўлган, ҳам ўзича тўла бир асар саналган тизмалар, ўзбек бахшилари ўртасида термалар деб юритилади. Буни баъзи хусусиятларига қараб айрим бир жанр дейиш мумкин*” [14.28].

Тадқиқотимизда масаланинг қўйилиши шундан иборатки, ўзбек фольклоршунослигида халқ достонлари, баъзан бир ёки бир неча достон ва унинг вариантлари ҳақида ўнлаб оригинал монографиялар, номзодлик ва докторлик диссертациялари яратилгани ҳамда яратилаётгани ҳолда термалар ҳақидаги ишлар бармоқ билан санарлидир. Ҳолбуки, халқ бахшилари репертуарининг иккинчи қирраси сифатида бу жанрнинг ҳар бир мавзу тури, достонлар билан генетик алоқадорлиги, ҳатто айрим бир туркумининг генетик асослари, поэтикаси бўйича илмий мақолалар ёзиш, жиддий тадқиқотлар олиб бориш мумкин.

Сўз терма ва у билан мустаҳкам алоқада бўлган достон ижодкорлари ҳақида борар экан, кузатишларимиз термалар ҳам фольклор тарихий поэ-тикаси ёзма адабиёт ва замонавий поэтика таҳлилларидан генезиси, энг аввало, ижодкор ва ижрочилар типларига кўра фарқланишини кўрсатади. Яъни бу жанр генезиси, поэтикаси бевосита унинг ижодкор ва ижрочилари типлари тарихи, фаолияти билан боғлиқ.

Ўзбек фольклорида термаларнинг аҳамияти, достончилар тайёрлашдаги ўрни, Т.Мирзаев таъбири билан айтганда, аввало, эпик анъана доирасида “достончилик давомийлигини” таъминлаши билан белгиланади. Чунки достончилик давомий бўлмаса, достончи, достончи бўлмаса эса, достон ҳам, терма ҳам, терма ва достон, терма ва қўшиқ, терма ва мақол муносабатлари ҳам бўлмайди.

Термаларнинг достончиликнинг бизга анча равшан бўлган, яъни XIX асрнинг иккинчи ярмидан то XXI асргача бўлган даврдаги профессионал халқ ижодкорлиги ва ижрочилигини таъминлашдаги аҳамияти ҳақида олимларимиз қатор қимматли фикрларни баён қилганлар.

В.Жирмунский ва Ҳ.Зарифовлар термаларнинг достончиликда устоз-шогирдлик муносабатларида бошланғич

таълим вазифасини бажарганини алоҳида таъкидлайдилар: “Достонлар бирданига эмас, парча-парча сифатида ўрганилган. Ўрганилган парчалар маълум бир даражага етгач, устоз ўз шогирдига уларни тингловчилар олдида “терма” сифатида қуйлашга ижозат берган” [1,36].

Бу икки улкан олим ва профессор Т.Мирзаев шогирд мустақил достончи даражасига етишгач, махсус маросимда устозига анъанага кўра тўн кийдириб, ундан фотиҳа олиб, бахши лавозимига эришганини, бу даражага етиша олмаганлари эса ҳаваскор ёки термачи бахши бўлиб қолганини таъкидлайдилар.

Демак, достончилик давомийлигини ижрочиларнинг, асосан, икки типи, яъни устоз ва шогирд таъминлаган, Профessional достончиликка эришиш ҳам уч босқичдан: шогирдлик, мустақил достончилик, устоз достончилиқдан иборат бўлган. Бундай тарихий-фольклорий жараёнинг жаҳон халқлари эпик ижоди учун типологик ҳодиса эканлигини кўплаб олимларнинг фикрлари тасдиқлайди. Жумладан, А.Лорд куйчи достончи бўлиб шаклланишнинг биринчи босқичида тинглайди, формулаларни ўз-лаштиради, иккинчи босқичда – тақлид ва ўзлаштириш жараёнидан сўнг кўникмаларини амалда қўллашга ҳаракат қилади, учинчи босқичда аудитория қаршисига чиқади, дейди [2.33-39].

Б.Путилов таълимнинг уч босқичлиги жаҳон халқларининг кўпчилиги, жумладан, туркий халқлар эпик ижоди учун умумий-типологик ҳодиса эканлигини таъкидлаб, бу босқичларга хос хусусиятларни умумлаштириб: тақлид, фаол ўрганиш ва мустақиллик босқичларига бўлади [3.34-36].

Фольклоршунос Т. Мирзаев тадқиқотлари ҳам таълимнинг босқичийлиги ва ҳар бир босқичнинг ўзига хосликлари ҳақида қимматли фикр-мулоҳаза ҳамда илмий-назарий хулосаларга бой [4.60-69]. Мавзумиз учун муҳими шундаки, халқ бахшилари таълимнинг ҳар уч босқичида термалар яратганлар ва ижро этганлар.

Тарихий поэтика нуктаи назаридан достончиликда бошланғич таълим вазифасини бажарган ўзбек фольклоридаги терма жанрининг генезиси достончилик ва халқ бахшиларининг типлари, устоз-шогирдлик муносабатлари орқали жуда қадим замонларга, мифологик тафаккур даврига бориб боғланади. Умуман

олганда, мифология бутун жаҳон халқлари фольклори, шеърятининг ҳам илк ғоявий ва бадий асоси бўлган.

Фольклоршунос олимлар меҳнат қўшиқларини халқ поэзиясининг дастлабки намуналари сифатида қайд этиб, уларнинг келиб чиқишини ибтидоий кишиларнинг меҳнати ва меҳнат билан боғлиқ маросимларга боғлайдилар. Жумладан, М. Бакиров энг қадимги шеърятнинг асоси меҳнат бўлиб, у моддий ва маънавий фаолият ҳали ажралмаган ибтидоий даврларда пайдо бўлган, дейди ва меҳнат поэзиясининг ривожини уч босқичга бўлади [5].

Б. Саримсоқов ҳам меҳнат қўшиқлари тараққиётини уч босқичга бўлиб, сўнгги босқич ижтимоий меҳнат тақсимотининг тугалланиши билан характерланишини қайд этади ва биринчи босқичга оид илк намуналари ҳақида шундай деб ёзади: “Кишилар уларни меҳнат қуролига сўзнинг магик таъсир кўрсатиш, меҳнат жараёнида бир хил ритмни сақлаб туриш ва шу йўл билан меҳнат қилувчиларнинг чарчоғини унутишга бардам руҳ билан ундаш мақсадида қўйлаганлар” [6].

Бу кўчирмадаги “сўзнинг магик таъсир кўрсатиш” жумласига асосланиб тахмин қилиш мумкинки, турли ҳаракатлар билан қуйланадиган, бир хил ритмга эга бўлган илк меҳнат қўшиқларини ибтидоий одамлар иночларида руҳлар сайлаган кишиларгина, яъни мағларгина қўйлай олганлар ва бу даврда шомонлик ҳали тўла шаклланмай, ўша мағлар халқ достончиларининг ҳам, шомонларнинг ҳам илк типи бўлган.

Юқоридаги фикрларга асосланиб, халқ бахшиларининг, демакки, термачиларнинг ҳам биринчи тарихий типи илк меҳнат қўшиқларининг ижрочилари – **мағлар** бўлган дейиш мумкин. Шартли равишда **мағлар поэзияси** деб аташ мумкин бўлган бу даврда мифологик тафаккурга асосланган шеърят тўлиқ магик-маиший вазифани бажарган.

Юқоридагиларга хулоса сифатида айтиш мумкинки, халқ бахшилари, демак, термачиларининг ҳам қуйидаги тарихий типлари бўлган: *мағлар, шомонлар (шомон-қуйчи, шомон-жангчи, шомон-бахши (табиб), ошиқ-бахши, бахши, халфалар.*

Агар достончи ва термачиларнинг тарихий типларини аниқлашда бирмунча тахминийлик

мавжуд бўлса, уларнинг замонавий типларини белгилашда бундай муаммога дуч келмаймиз. Халқ дostonлари ва термалар-нинг замонавий ижодкор ҳамда ижрочиларини олимларимиз, одатда, турли тамойиллардан келиб чиқиб, бир неча типга бўлиб таснифлайдилар. Бу типлар халқ ижодкорлари репертуаридаги асарларда тарихий асосларнинг поэтик ифодалари сақланиб қолган бўлса-да, улар эндиликда, асосан, бадиий-эстетик вазифа бажаради.

Тарихий асосларига кўра шомонлик поэзияси билан боғлиқ профессионал халқ ижодкорлари репертуарида мавжуд бўлиши, олимлар таъкидлаганидек, ўзбек халқ термаларининг, ягона бўлмаса ҳам, асосий хусусиятидир. Шу сабабли тадқиқотчи халқ термаларини қайси жиҳатдан ўрганилмасин, унинг ана шу хусусияти, яъни терма ва дoston, терма ва ижодкор, ижрочи муносабатларидан келиб чиқиб бошлаши керак.

Меҳнат кўшиклари ривожининг иккинчи босқичи ҳақида Б.Саримсоқов шундай деб ёзади: “Бу босқич меҳнат тақсимотининг юзага келиши ва меҳнат турларининг ҳар бирига оид кўшиқларнинг яратилиши билан характерланади. Бу босқичда юзага келган меҳнат кўшиқларида ҳар бир меҳнат тури, касб-хунар пир (патрон) ларига сиғиниш мотивлари юзага келган” [6.25]

Маълум бир даражага етгач, маросим ташкил қилиб (одатда, пирлар, ҳомий руҳлар учун бирор жониворни қурбонлик қилиб), устозни эъзозлаш ва ундан оқ фотиҳа олиш одати нафақат дostonчилик, балки жуда кўп хунарларда маълум даражада ҳозиргача сақланиб қолган. Кўплаб этнографик адабиётлардаги маълумотларга кўра мифологик тафаккурда кишилар табиатдаги ҳар бир нарса ва ҳодисанинг ҳомий руҳи бўлишига жуда қадимдан ишонганлар ҳамда бу нарса-ю ҳодисаларни ўша руҳларнинг эҳсони деб билганлар. Уларга атаб қурбонликлар қилганлар. Ўзларидаги бирор касбга бўлган салоҳият ва маҳоратни ўша руҳлар туфайли деб билганлар [7].

Кейинчалик бу ишонч турли касб эгаларига кўчган, яъни кишилар ҳар бир касб-хунарнинг ҳомий руҳи, пири борлигига ишонганлар. Ўзбек бахшилари эътироф этган Мулла Ғойиб, Ошиқ Ойдинлар дostonчиларнинг ана шундай пирларидандир. Ўзбек дostonчилари

репертуарининг онгли равишда дoston ва терма билан чекланганини ҳам, бир жиҳатдан, ана шу ҳомийлик билан изоҳлаш мумкин. “Бахшилар, – дейди Тўра Мирзаев, – терма ва дostonдан бошқа жанрлардаги асарлардан (эртак, кўшиқ, латифа ва шу кабилардан) жуда кўп намуналар билсалар ҳам, уларни айтмаганлар” [4.62-63]. Бундан ташқари, олим ўз салафлари ва устозлари ҳақида сўзламаслик жуда кўп халқлар дostonчилиги учун типологик ҳодиса эканлигини, XX асрга келиб, баъзи ўзбек бахшилари томонидан бу анъананинг бузилганини ҳам қайд этади [9].

Табиийки, “Нимага?” деган савол туғилади. Бу саволга йирик халқ бахшилари ҳамма айтиши мумкин бўлган эртак, кўшиқ, латифа айтишни ўзларига муносиб кўрмаган, деб содда жавоб бериш мумкин. Аммо, бизнингча, ижод салоҳиятини руҳлар берган қайсидир пирга сиғинган, устоздан фотиҳа олган дostonчи учун кўшиқ, эртак айтиш анъанага кўра тақиқланган. У бу билан пирларни, ҳомий руҳларни ранжитиб кўйиши мумкин, деб тасаввур қилинган. Халқ ижодида устоздан фотиҳа олиш эса дostonчи ва шомонгагина муносибдир. Шунинг учун бўлса керак, қанчалик моҳир бўлмасин, ўзбек фольклорида бирор эртакчи ёки кўшиқчининг устоздан фотиҳа олгани ҳақида маълумотлар учрамайди. Бироқ халқ уларни ҳам “худо танглайига берган” кишилар деб ҳисоблайди. Демак, бахши репертуарининг чеклангани, бахшиларнинг ўз устозлари ҳақида сўзламаслик анъанаси тарихан эпик ижод этнографияси, аниқроғи, табулар билан боғлиқдир. Бундай тасаввурларнинг ҳаётий замири шундаки, қайси соҳада бўлмасин, истеъдоди бўлмаган кишининг бирор муваффақиятга эришуви гумонлигини ҳамма замонларда кишилар кўриб келганлар.

Соз ва сўз санъати жуда қадимийдир. Хусусан, халқ термаларида соз ва сўзнинг қадимийлиги ҳақида шундай куйланади:

*Соз билан суҳбатни ёлгон деманглар,
Одам Ато бино бўлгандан бордир.
Ҳобил билан Қобил Момо қорнида,
Улар ер юзига келгандан бордир [1].*

Албатта, илмий нуқтаи назардан дostonчиларнинг асрий устоз- шоғирдлик муносабатлари натижасида шакллангани исбот

талаб қилмас ҳақиқатдир. Аммо улар ўзидаги ижод салоҳиятини доимо ғайритабiiй изоҳлаб келганлар. Халқ афсоналарида айтилиши, Ҳ.Зарифов, Т.Мирзаев ва бошқа кўплаб фольклоршуносларнинг халқ бахшиларида эшитишларича, гўё уларда аввал ҳеч қандай ижод иқтидори бўлмаган. Улар бир куни бирор дарахт таги ёки қирдами, ғордами ухлаб қолиб, туш кўришган. Тушларида бир мўйсафид уларга дўмбира бериб, қуйлашни буюрган. Уйғониб қарасаларки, қўлларида дўмбира. Ўз-ўзидан қуйлаб, дostonчи бўлиб кетишган [4.64-65]. Бу мўйсафид асослари мифологик тафаккурга бориб боғланадиган ҳомий руҳнинг ўзидир.

Академик В.Жирмунский “Куйчининг иқтидори ҳақида афсона” мақоласида биринчи англо-сакс шоири, кексайиб қолган Кэдмон ҳам тушида бир кишини кўргач, қуйлаш иқтидорига эга бўлгани ҳақида ёзади. Гўё унинг тушига кирган киши Оллоҳнинг вакили бўлган эмиш. Олимлик, шоирлик, дostonчилик иқтидорини Худо, руҳлар дунёси билан боғлаш Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам мавжудлигини изоҳлаб, шундай дейди: “Бу афсонанинг асосида ётувчи тасаввур жамият ва ижтимоий ғоя тараққиётининг маълум бир босқичида жуда кенг тарқалган. Шу сабабли дostonчиларнинг иқтидори ҳақидаги афсоналар бир-бирига ўхшаш шаклда ўзаро ҳеч қандай маданий алоқаларда ва “таъсирларда” бўлмаган халқларда ҳам учрайди” [8.14].

Бизнингча, бундай афсоналар генезиси бевосита бутун инсоният учун хос бўлган мифологик тафаккур ҳукмрон бўлган даврлар билан боғлиқ ва унинг излари бизнинг давримизгача етиб келган.

Марказий Осиё халқлари, хусусан, ўзбек дostonчилари типлари ҳақида йирик тадқиқотлар олиб боришган кўпгина олимлар, жумладан, В.Жирмунский, Ҳ.Зарифов, Т.Мирзаевлар дostonчиларнинг бахши-шоирлардан аввалги типи ҳам шоир, ҳам шомон бўлгани, бахши сўзи ҳозир ҳам Ўзбекистоннинг айрим жойларида шомон маъносини англатиши ҳақида жуда кўп ёзганлар. Жумладан, Т.Мирзаев шундай дейди: “Ўтмишда бахши сўзининг ишлатилиш доираси ниҳоятда кенг бўлган. Бу сўз дostonчи ва шомон маъноларидан ташқари турли-туман вазифаларни бажарувчи шахсларга нисбатан ҳам (касб ёки унвонни билдирувчи сўз сифатида) қўлланган. Ҳозирги кунда эса,

ўзбек фольклоршунослигида фақат дostonчи маъносида қўлланилади” [8.26].

Тарихий-фольклорий жараёндаги бундай типологик ҳодиса ўзбек-лардаги магик кучга эга деб тушунилган шомон айтимлари халқ термаларининг тарихий асосларидан бири бўлган, дейишга имкон беради.

Ўзбек фольклоршунослигида маросим фольклорини махсус ўрганишга асос солган Б. Саримсоқов сўзнинг магик қудратига асосланган фольклор жанрларининг профессионал ижрочиларини парихон, шомон, бадикхон ва кинначилар типларига ажратади ва халқ инончларига кўра, улар ҳомий руҳлар томонидан танланадилар. Улар ҳам маросим ўтказиб, қон чиқариб, устоз бахши ёки кинначилардан фотиҳа оладилар [10. 186].

Бизнинг фикримизча, олимнинг монографиясида тадқиқ қилинган барча маросим фольклори жанрларининг ижодкорлари ва ижрочилари тарихан халқ дostonчилари билан боғлиқ бўлиб, кинначи, бадикчи кабилар термачи, ҳаваскор бахшиларнинг аجدодлари бўлган ва уларнинг поэзияси халқ термаларига жуда яқин туради. Дoston ва термалар каби бу поэзия ҳам фақат профессионаллар томонидан ижро этилади. Парихон, кинначи, бадикчилар репертуаридаги асарларнинг термалардан фарқи шундаки, уларнинг матнлари нисбатан жуда барқарор ва ижрочилари ҳам тараққиётнинг кейинги давларида, асосан, хотин-қизлардан иборат бўлиб қолган.

Дostonчилик ва шомонлик, дostonчи ва шомон поэзияси ҳақиқатан ҳам махсус тадқиқотни талаб қилади. Бу ерда илмий тахмин сифатида шуни айтишимиз мумкинки, дostonчи, термачи ва шомон мағлар, халфалар поэзиясининг генетик асослари бирдир.

Шу тахминимизга кўра, дostonчининг дoston ижроси ўртасида дўмбирани тўнкариб, белбоғини ёзиши билан шомоннинг айтимларни айтиб, ёзилган супрага маросим иштирокчиларининг нималарнидир ташлаши ўртасида ҳам яқинлик бор. Яъни тўнкарилган дўмбира руҳлар танлаган дostonчи, ёзилган супра руҳлар танлаган парихон ёки кинначи учун ҳақ талаб қилади. Ҳар икки ҳолатда ҳам белбоғ ва супрага ташланган нарсa дostonчи ва шомоннинг ҳақи ҳисобланади.

Б.Путилов антик давр юнон рапсодларини шомонларнинг бир тури ҳисоблаб, ўзбек

фольклоридаги дўмбира тўнкариш каби танаффусларни бахшилар **руҳ ўғирлаш** деб аташини қайд этади [3.18]. Демак, дўмбира тўнкариш асосида ҳомий руҳларнинг кишилардан ўзи сайлаган бахшини рози қилишларини истаб, вақтинча бахшини ташлаб кетиши ҳақидаги тасаввурлар натижасидаги қатъий анъана бўлган.

Достончиликнинг шомонлик билан боғлиқ яна бир жиҳати, уларнинг кечалари тонггача айтилгани, шомон маросимларининг, одатда, кечалари ўтказилганида кўзга ташланади. Чунки халқ инончига кўра, кечалари ёвуз руҳлар авж олади. Эртақ ва достон ижроси эса уларни одамларга яқинлаш-тирмайди. Масалан, Ислон шoirнинг кундузлари достон айтишни истама-гани ҳақида унинг қизи М.Исломова шундай хотирлайди: “Котиблардан бирортаси отамдан нимадир ёзиб олаётган бўлар, бир маҳал отам таққа тўхтаб, ижод жараёнини у ёки бу мавзудаги суҳбатга айлантириб юборар ёки бирор юмуш билан андармон бўлиб кетарди. Шунда котибнинг кўнгли тўлмай:

– Отахон, шу энди чала қолмасин, охирига етказиб қўяйлик,— дегани-деган эди. Отам эса: – Йўқ, болам, ҳозир **париларим** (таъкид бизники – И.Т.) келмай, рухсат бермаётирлар, – дея кулиб қўяр, бундан ўзгаларнинг ҳам дили равшан тортиб, кўнгиллари тўларди [11.45].

Шoirнинг қизи париларни илҳом париси дегани бўлса керак-да, деб жуда содда изоҳлайди. Ҳолбуки, машҳур этнограф Ж.Фрэзер шундай деб ёзади: “Илҳомнинг илоҳийлигига ишонч бутун жаҳонда бор. Одамлар, айрим кишилар вақти-вақти билан руҳлар ёки илоҳалар томонидан мубталоликка йўлиқишлари мумкин, деб ҳисоблайдилар” [12.69]. Достончилар, умуман, дунёдаги барча халқларнинг эпик асарлар ижодчилари ва ижрочилари уларнинг ўзлари ва кишилар тасаввурида ана шундай мубталоликка йўлиққан маглар ва шомонларнинг кейинги типларидир.

Ўзбек бахшиларининг турли иримлар билан ёмон кўзлар ва ёвуз руҳлардан ҳимоя қилиш учун дўмбираларига туморлар тақиши ҳам шомонлик ва магия тасаввурлар асоратларининг амалдаги ифодасидир.

Терма жанри ҳақида фикр билдирган олимларнинг барчаси уларнинг бирор мусиқа асбоби жўрлигида қуйланиши ёки қироат

(оҳангдорлик) билан ўқилишини айтадилар. Генезис нуқтаи назаридан олганда, оҳанг билан ижро этиш (хиргойи қилиш) тарихи ҳар қандай қуй ва мусиқа асбоби тарихидан қадимийроқдир. Чунки мусиқа оҳанг (хиргойи) лардан ташкил топади ва у, энг аввало, инсон онгида пайдо бўлади. Унинг ривожланиб бориши мусиқа асбобиға зарурият туғдиради.

Ҳаётда ҳар ким бир ёки иккита термани, бирор достондан парчаларни ёд олиши, хиргойи қилиши мумкин. Бироқ халқ термаларининг ижодкорлари ва ижрочилари, асосан, профессионал бўлган достончилар ва ҳаваскор термачи, бахшилар, халифалардир. Айни пайтда термаларнинг достонлар билан мустаҳкам генетик алоқадорлигидан келиб чиқиб, бизнинг фикримизча, терма жанрининг генезиси, тарихий поэтикаси ҳақида айнан профессионал бахшилар репертуаридан келиб чиқиб тадқиқ қилингандагина тўғри илмий хулосаларға қилиш мумкин.

ХУЛОСА

Фольклоршунослик фанининг замонавий поэтикаси нуқтаи назаридан маълум бўлган терма ижодкорлари ва ижрочилари типлари қуйидагилардан иборат: 1. Профессионал бахшилар (халқ шoirлари). 2. Профессионал бўлмаган бахшилар: а) ҳаваскор бахшилар; б) термачи бахшилар. 3. Халфалар: а) ижодкор шoirа-халфалар; б) ижрочи созанда – халфалар; в) достонлар ва улардан парчаларни соз ва қуйсиз қироат билан ўқийдиган халфалар. Достончиликда халқ профессионал ижодкорлари бу типларининг ўзига хосликлари ҳақида фольклоршунос олимлар, хусусан, Ҳ.Зарифов, Т.Мирзаев, С.Рўзимбоев тадқиқотларида етарлича фикр-мулоҳазалар баён қилин-гани учун, биз уларға махсус тўхталмай, ушбу тадқиқотимиз учун қуйидаги хулосаларни келтиришни лозим топдик:

1. Ўзбек халқ термалари дунё халқлари профессионал эпик ижоди учун типологик ҳодисанинг ўзбек фольклоридаги этник кўриниши бўлиб, улар биринчи марта ўтган асрнинг 30-йилларида Ҳоди Зарифов томонидан илмий-назарий таърифлана бошланди. Олимнинг жанр ҳақидаги илк мулоҳазалари кейинчалик унинг академик В.Жирмунский билан ҳамкорликда яратган

“Ўзбекский народный героический эпос” (1947) фундаментал асарида мукаммал ифодасини топди.

2. Ҳ.Зарифовдан сўнг узоқ йиллар терма жанри махсус кузатишлар объекти бўлмай келди. 70-йиллардан бошлаб, жанр ҳақида М.Алавия, Т.Мирзаевларнинг мақолалари, А.Мусакулов ва А.Турсункулов ва мустақиллик йилларида И.Турсуновнинг номзодлик ишлари пайдо бўлди.

3. Жанр ҳақида яратилган ишлардан фарқли равишда ушбу тадқиқотда илк марта дoston ва терма ижрочиларининг тарихий типларига алоҳида урғу берилиб, улар: **маглар, шомонлар (шомон-қуйчи, шомон-жангчи, шомон-бахши (табиб), ошиқ-бахши, бахши, халфалар** кўринишида таснифланди.

4. Профессional ва ҳаваскор халқ бахшилари, халфалар репер-туаридаги лирик ва лиро-эпик турга мансуб, ўзига хос поэтик тизимга, вазифаларга эга бўлган, маросимий ва номаросимий характердаги, мусика (оханг, қуйлаш) билан муносабати барқарор 4 мисрадан то 150-200, баъзан ундан ҳам ортиқ мисралардан ташкил топган, дунё эпосчилигидаги типологик ходисанинг ўзбек фольклоридаги этник кўриниши бўлган ўзбек халқ қўшиқларига термалар дейилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. – Москва: ГИХЛ, 1947. – 550 с.
2. Лорд А.Б. Сказитель. – Москва: Восточная литература РАН: 1994. – 368 с.
3. Путилов Б. Н. Эпическое сказительство: Типология и этническая специфика. – Москва: Восточная литература. РАН, 1997. – 295 с.
4. Мирзаев Т. Эпос и сказитель. – Ташкент: Фан, 1998. – 410 с.
5. Бакиров М. Генезис и древнейшие формы общетюркской поэзии: Автореф. дисс... док. филол. наук. – Казань, 1999. – 48 с.
6. Саримсоқов Б. Меҳнат қўшиқлари // Ўзбек фольклори очерклари. – Т. 1. – Б. 224.
7. Тайлор Э.Б. Первобытная культура. – М.: ИПЛ, 1989; Фрэзер Дж. Золотая ветвь: Исследование магии и религии, 2-е издание. – М.: ИПЛ, 1986.
8. Мирзаев Т. Фольклор ижодкорлари ва ижрочилари. // Ўзбек фольклори очерклари. 3 томлик. – Тошкент: Фан, 1988. Т.1. – Б. 22.
9. ЎЗР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Фольклор архиви, – Инв.№449.
10. Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори. – Тошкент: Фан, 1986. – Б.186.
11. Булбул тароналари. Т.5. – Б. 47.
12. Фрэзер Дж. Золотая ветвь. – Москва: ИПЛ, 1986. – 703 с.
13. Мусакулов А. Терма в узбекском фольклоре (жанровая специфика, классификация, поэтика): Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1984. – 19 с.; Турсункулов А. Биографические и автобиографические произведения в узбекском фольклоре и их идейно-художественные особенности: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1985. – 20 с.; Турсунов И.Н. Халқ термаларининг тарихий асослари ва бадиияти: Фил.фан.ном.диссерт.автореферати. Тошкент, 2011. – 24 б.
14. O‘zbek folkloridan namunalar. Toshkent: O‘zdamnashr, 1935. – B. 100.